

ОЙ МАВЗУСИ: “ТРАНСПОРТ. ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ҚОИДАЛАРИ. ҲАЁТ ХАВФСИЗЛИГИ САБОҚЛАРИ”

Гуруҳ		_____ катта гуруҳи					
Мавзу		Эҳтиёткор пиеда ҳафталиги					
Давр		Ноябрь ойининг 2 ҳафтаси					
Ривожланиш соҳалари бўйича мақсадлар	Жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзининг шаклланиши	Мақтабгача таълим муассасасида, транспортда, кўчадаодоб-ахлоқ қоидаларига риояқилишга ўргатиш. Пиедалар йўлҳаракати қоидаларини билиш.					
	Ижтимоий – ҳиссий ривожланиш	Мустақил қарор қабул қилишга ўргатиш ваўзгаларга намуна бўлишга интилишини ривожлантириш. Хавфли вазиятларда қандай ҳаракат қилишни ўргатиш.					
	Ўқуш, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари	Йўлҳаракати қоидалари ҳақидаги тасавурларни кенгайтириш. Фикрлаш фаоллигини, кузатиш қобилияти, таҳлилқилиш ва хулосалар чиқаришни шакллантириш					
	Билиш жараёнини ривожланиши	Мавжуд хавф-хатарни олдиндан кўрабилиш, хавф -хатар юз берган вазиятда тўғри ҳаракат қилиш ва ўзини ҳимоя қилиш воситаларидан фойдалана олиш қобилиятини ривожлантириш.					
	Ижодий ривожланиш	Ҳасвирий санъат турларини ажратиш, ранглар танлашни билиш					
Ривожланиш марказлари		Ўқув-тарбиявий фаолият					
Фронтал машғулотлар		Душанба	Сешанба	Чоршанба	Пайшанба	Жума	Ресурслар, изох
Мустақил таълим фаолияти	Қуриш – яшаш ва математика	“Сехрли йўлак бўйлаб машинада саёҳат” (геометрик шакллардан)		“Йўл белгиларини таҳла” Рақами бўйича териб бер			Геометрик ўқаллар йўл белгилари
	Сюжетли – ролли ўйинлар ва драммалаштириш	“Такси”	“Автобус”			“Такси” “Автобус”	Атрибутлар, маскалар
	Ўқуш ва тил	Серияли расмлар орқали “Йўл ҳаракати қоидалари ҳақида суҳбат”	“Бутунни қисмини номла”				Китоблар
	Ҳан ва табиат маркази	Ҳаво маркази “Эко тарбия”					Сув, қум, ўсимлик
	Санъат маркази	Ихтиёрий табиий материаллар билан					Бўёқ, қалам, қоғоз, табиий материаллар

2 ҳафта. “Эҳтиёткор пиёда ҳафтаси”

Қурилиш маркази
“Пиёда йўлкаси”

Мақсад: геометрик шаклларни фарқлашни мустаҳкамлаш, пиёда йўлакчасининг нима учун кераклини айтиб бера олади. Йўлакчани геометрик шаклларида қуришда қанча шакл кетганлигини ҳисобини олишга ўргатиш.

Жиҳоз ва материаллар: геометрик, ҳамда қурилиш керакли шакл ва жиҳозлар, йўл.

Фаолиятнинг бориши:

1. Пиёда мавзусидаги расмларни кузатиш.
2. Болалар билан “Пиёдалар йўлаги” ни қуриш режасини тузиш.
3. Геометрик шакллардан “Пиёдалар йўлаги”ни қуриш.
4. “Пиёдалар йўлаги”ни ўлчаш.
5. Болалар ишини муҳокама қилиш ва рағбатлантириш.

Қўшимча қисм: Тарбиячи болаларга оқ қоғоздан лентачалар кесиб, пиёда йўлакчасини ёпиштиришни тавсия этади.

Эътиборга молик жиҳати: Болаларнинг жамоада ишлаши, қурилишда тозалikka эътибор, ҳаёт ҳавфсизлиги сабоқлари.

Сюжетли-ролли ўйинлар ва драмалаштириш маркази
“Такси”

Мақсад: Автомобиллар турар жойлари ҳақида тушунтириб беради, автотурар жойдаги ишчи ходимлар ҳақида маълумотга эга. Жамоат жойларида ўзини тута олади. Транспорт воситаларининг ҳавфли эканлигини тушунади. Транспорт турларини фарқлайди. Кузатиш, таҳлил қилиш, хулоса чиқариш малакасига эга.

Жиҳоз ва материаллар: хайдовчи кийими, салон ва ўриндиқлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Болалар орасида ролларни тақсимлаш
2. Болалар билан сайрга бориш жойини режалаштириш ва хайдовчилар билан учрашиш.
3. “Мошинада кетаяпмиз” сахнасини ўйнаш
4. Сахналаштирилган ўйин ҳақида суҳбат.

Қўшимча қисм: Тарбиячи болалар билан “Билмасвой шаҳарда (қишлоқда) мавзусида ўйинни сахналаштириши мумкин. “Ўйдан боғчагача” йўл харитасини тузиш, жамоат жойларида жамоа тартиби қоидаларига риоя қилиш, атрофга эътиборли бўлиш, тозаликни сақлаш, пиёдалар йўлкасидан юриш, катта йўлга чиқиб кетмаслик, пиёдалар йўлкаси йўловчилар учун ажратилган бўлиб, пиёдалар йўлаги бўлмаган тақдирда катта йўлнинг четидан машиналар қатновига қарама-қарши юриши лозимлигини тушунтиради.

Эътиборга молик жиҳати:

1. Болаларнинг хайдовчи билан мулоқатга кириша олиши.
2. Мантиқий фикрлаш қобилияти.
3. Ҳаёт ҳавфсизлиги қоидалари.

Тил ва нутқ маркази

Сериали расмларда “Йўл ҳаракати ҳавсизлиги қоидалари”
Хикоя тузиш.

Мақсад: болалар йўл белгилари ҳақида тушунчага эга ва уларни фарқлайди, бир неча белгиларни билади ва йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилади.

Жиҳоз ва материаллар: расмлар, плакатлар, кичкина машиналар, муляжлар, шартли белгилар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Ҳаракат белгилари шакли ва расмини кузатиш.
2. Ҳар бир белги ҳақида тушунтириш.
3. “Серияли расмлар” билан ўйнаш.
4. “Йўл ҳаракати қоидалари” намоиши.

Қўшимча қисм: Йўл ҳаракати қоидалари ҳақида мултифильм кўрсатиш.

Эътиборга молик жиҳати:

1. Болаларни якка ва жамоада ишлашларини ўргатиш.
2. Хотира, диққат ва ижодкорликни ривожланиши;
3. Тасаввурлари ва нутқни ривожланиши;
4. Ҳаёт ҳавфсизлиги сабоқларига.

Фан ва табиат маркази

Ҳаво маркази (экологик тарбия)

Мақсад: Ҳавонинг ажойиб хусусиятлари билан танишиш. Ҳаво инсонни ўраб турувчи муҳим объектлардан биридир. Ҳавосиз ҳар қандай жонли организм мавжуд бўла олмайди. Турли газлар, олов сабабли ҳаво ифлосланиши мумкин, аммо ифлосланган ҳаво ўсимликлар сабаб тозаланиши мумкинлигини тушунади.

Жиҳоз ва материаллар: бўш стакан, салфетка, сув.

Фаолиятнинг бориши:

1. Бўш стакан олампиз, тагига салфетка ёпиштирамиз ва бу стаканни тескари ўгириб сувга туширамиз;
2. Стакан сув билан тўлади;
3. Ичидаги салфетка қуруқлигича қолади;
4. Стакан ичида ҳаво борлиги учун салфетка қуруқлигича қолган;
5. Тажрибани муҳофаза қилиш;
6. Болалар билан ўтилган тажрибадан ҳулоса чиқариш;
7. Боғча участкасидла болалар билан дарахт ўтқизиш;

Қўшимча қисм: Тарбиячи ўсимликларни парваришlash қоидалари ҳақида гапириб беради ва экилган ўсимликларни парвариш қилиш бўйича навбатчилар тайинлайди.

Эътиборга молик жиҳати:

Тажрибалар ўтқизиши укуви ва ҳаёт ҳавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш.

Санъат маркази

Табиат материалларидан аппликация: транспорт турлари

Мақсад: майта қўл моторикасини, тасаввурини ривожлантириш, эстетик безатиш, аппликацияда табиат материалларини уйғунлаштиришни билади. Ўзининг ижодини чиройли безатади.

Жиҳоз ва материаллар: табиат материаллари, рангли картонлар, қоғоз, елим, степлер, рамкалар.

Фаолиятнинг олиб борилиши:

1. “Транспорт” мавзусида расмларни кўздан кечириш.
2. Тасвирий санъат фаолияти ноанъанавий техникаси билан танишиш.
3. Расм ва табиат материалларини танлаш.
4. Болалар билан мавзу асосида аппликация ишини бажариш.
5. Болалар тайёр расмларни муҳокама қилиш ва рағбатлантириш.

Қўшимча қисм: тарбиячи болаларга аппликацияни безатиш, мавзуга оид шеър ёки қўшиқ куйлашни таклиф қилиши, кўргазма ташкил этиши мумкин.

Эътиборга молик жиҳати:

1. Тартибли ва гигиеник талабларга мос ишлашга ўргатиш.
2. Тасавури ва майда қўл моторикасини ривожлантириш.
3. Ҳаёт ҳавфсизлиги сабоқлари.

Қуриш-ясаш, конструкторлаш ва математика маркази

Мавзу асосида тахлаймиз: “Йўл белгилари” “Рақами бўйича териб бер” сонли қирқма расмлар.

Мақсад: таклиф қилинган материаллардан йўл белгиларини тахлайди, йўл белгилари ва улар нимага хизмат қилиши ҳақида тушунчага эга. Турли ранг ва шаклларни билади ва фарқлайди.

Жиҳоз ва материаллар: пазллар, сонли кесма расмлар. Йўл белгилари.

Фаолиятнинг олиб борилиши:

1. Йўл белгилари тасвирланган расмларни кўриш ва кузатиш;
2. Болалар билан йўл белгиларини рақами бўйича тахлашни режалаштириш;
3. Йўл белгиларини тахлаш;
4. Тахланган йўл белгиларининг тақдиротини амалга ошириш;
5. Болалар томонидан тахланган белгиларни муҳокама қилиш ва рағбатлантириш;
6. Ишлатилган материалларни миқдорини санаш ва шакллари бўйича ажратиш.

Қўшимча қисм: Тарбиячи болаларга уйга кетаётганда йўл белгиларини кузатишни ва ўхшашини топишни таклиф қилади.

Эътиборга молик жиҳати:

1. Болаларни жамоада ишлаш кўникмасининг шаклланганлиги;
2. Йўл белгиларининг вазифаси нимада эканлигини тушунтириш.
3. Тасавурлари ва ижодкорлигининг ривожлантириш;
4. Ҳаёт ҳавфсизлиги сабоқлари.

Сюжетли-ролли ўйинлар ва драмалаштириш маркази
“Автобус”

Мақсад: Автобуслар турар жойлари ҳақида тушунтириб беради, автобус турар жойдаги ишчи ходимлар ҳақида маълумотга эга. Жамоат жойларида ўзини тута олади. Транспорт воситаларининг ҳавфли эканлигини тушунади. Транспорт турларини фарқлайди. Кузатиш, таҳлил қилиш, хулоса чиқариш малакасига эга.

Жиҳоз ва материаллар: хайдовчи кийими, салон ва ўриндиқлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Болалар орасида ролларни тақсимлаш
2. Болалар билан сайрга бориш жойини режалаштириш ва хайдовчилар билан учрашиш.
3. “Автобусда кетаяпмиз” саҳнасини ўйнаш
4. Саҳналаштирилган ўйин ҳақида суҳбат.

Қўшимча қисм: Тарбиячи болалар билан автобус чипталарини чизиб, улар орасида чиптачи, йўловчи орасидаги фарқни аниқлайди.

Эътиборга молик жиҳати:

1. Болаларнинг хайдовчи билан мулоқатга кириша олиши.
2. Мантиқий фикрлаш қобилияти.
3. Хаёт хавфсизлиги қоидалари.